

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Кеча Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда кун тартибига қўйилган масалалар муҳокама этилди.
- Мамлакатимизда 22-25 сентябрь кунлари «ИнфоСом — 2009» Ахборот коммуникация технологиялари ҳафталиги бўлиб ўтади. Анъанавий ҳафталик Ахборот коммуникация технологияларига доир Миллий саммит билан очилади.
- Самарқанд давлат университетидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида кўрилган масалаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигида халқаро фестивалда муваффақиятга эришган мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг икки нафар ўқувчисини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.
- Тошкент давлат аграр университетидан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» Ёшлар Ижтимоий Ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган «Келажак овози» республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.
- Пойтахтимиздаги «Grand-Tashkent» меҳмонхонасида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциациясига аъзо худудий телерадиостанциялар муҳаррирлари учун «Аҳолини экологик муаммолар доирасидаги хабардорлик салоҳиятини оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли» мавзусида семинар тренинг бўлиб ўтмоқда.
- 7-9 октябрь кунлари «Ўзэкспомарказ»да бир йўла учта — «ЎЗБЕКПРИНТ», «ЎЗУПАСК» ва «ЎЗРЕКЛАМА» тармоқлараро кўргазмалари ўтказилади.
- Пойтахтимизда «Педагог кадрлар малакасини оширишнинг ташкилий-услубий масалалари» мавзусида республика ўқув-семинари ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоят педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ўқув ишлари бўйича проректорлари, ўқув бўлимлари бошлиқлари, халқ таълими бошқармалари хузуридаги методика маркази директорлари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

- Мисрда ҳукумат фармонида биноан 3 октябрга қадар мамлакатдаги барча таълим муассасалари фаолиятларини тўхтатилади. Бунинг асосий боиси, А (H1N1) вирусининг тарқалишидир. Бугунги кунда Мисрда чўчка гриппи билан 900 нафар киши оғриган бўлса, улардан икки нафари ҳалок бўлган.
- Бразилияда икки нафар собиқ полициячилар 29 кишининг ўлдирилишига алоқадорлиги учун 500 йиллик қамоқ жазосига маҳкум этилди. Тўрт йил муқаддам полициячилар гуруҳи Рио-де-Жанейро шаҳри теварагидаги барлардан бирига ташриф буюрганлар ва ўтқинчиларга қарата ўт очишган.
- Хитой жанубидаги Гуандун провинциясида юз берган «Коппу» тайфун курбонлари сони 7 кишига етди. Маҳаллий қутқарувчиларнинг хабар беришича, ҳалок бўлганларнинг ҳаммаси сел оқими домига фарқ бўлган.
- Польша ташқи ишлар вазирлигидаги манбанинг маълум қилишича, АҚШ делегацияси мамлакат ташқи сиёсат маҳкамасида ракетага қарши муҳофафа бўйича музокараларни олиб борапти. Музокараларда Польша томонидан мамлакат ташқи ишлар вазири Радослав Сикорский иштирок этапти.
- Жорий йилнинг шу даврига келиб жаҳондаги авиакомпаниялар кўрган иқтисодий зарар миқдори 11 миллиард АҚШ долларига етган. Умуман, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мазкур тизимга қарийб 16,8 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар етказган.
- Австралиянинг Сидней шаҳрида энгил автомобилнинг мактаб автобусига урилиб кетиши оқибатида 44 нафар бола жароҳат олди. Энгил автомобиль ҳайдовчиси ва йўловчиси ҳаётдан кўз юмди. Янги Зеландиянинг «Стаф» ахборот манбаси хабарига кўра, ушбу ҳалокат энгил автомобиль ҳайдовчисининг тезликни ошириши натижасида содир бўлган.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 187 (11.498)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Юртимизда мустақиллик йилларида жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Бу борада қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳаёта чуқур таъбиқ этилиб, ёшларимизга таълим-тарбия бериш, касб-хўнарсирларини мукамал эгаллашлари йўлида хизмат қилмоқда.



Айтиб ўтиш жоизки, 20 мингга яқин ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислар тайёрлаб берилган ушбу билим даргоҳида 2007-2008 ўқув йилида манзилли реконструкция ишлари олиб борилди. Бунинг учун 2 миллиард 800 миллион сўм маблағ ажратилиб коллеж қиёфаси тубдан ўзгарди. Фан кабинетлари, ўқув лаборатория ва синф хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланиб, компьютер синфлари 2 тадан 4 тага кўпайтирилди, лингафон хоналари ташкил этилди.

— Коллежимизда 10 та кафедра мавжуд бўлиб 154 нафар ўқитувчи ва мураббийлар 2600 дан ортиқ ўқувчи-ёшларга билим сирларини кунт билан ўргатиб келмоқдалар, — дейди коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Муҳиддин Тошев. — 47та фан тўғрақлари, спортнинг волейбол, баскетбол, мини футбол, кўл тўпи, ёш гимнастикачи ва шахмат-шашка турлари бўйича тўғрақлар мунтазам фаолият кўрсатади. Ёшларимиз турли фан олимпиадалари, танлов ва спорт мусобақаларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

— Яқинда талабалар турар жойида катта таъмирлаш ишларини тугаллаб, ёшларга замонавий, шинам, ҳар томонлама қулайлик ва шарт-шароитлар яратилган бинони фойдаланишга топширдик, — дейди коллеж директори Шавкат Курбонов. — Шу билан бирга катта ҳажмдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бордик. Бугун коллежимизга кириб келган кишининг шинам ва орас-талиқдан дили яйраб, ўқувчиларга яратилган ҳар томонлама қулайликдан кўнгли фахр-ифтихорга тўлади.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: 1-Тошкент педагогика коллежи фаолиятдан лавҳалар.

Шавкат Қаҳқоров олган суратлар

ҚИСҚА САТРЛАРДА

✓ **ШАҲРИМИЗДА** ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган семинар амнистия актини қўллашда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг тартиб-қоидаларига бағишланди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан алоқа соҳаси мутахассислари учун ўзбек, рус, инглиз тилларида тайёрланган изоҳли лугатнинг тақдимоти бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** тўқимачилик ва энгил саноат институтида талабалар, ўқитувчилар, шифокорлар иштирокида ўтказилган «Соғлом оила — келажак пойдевори» мавзусидаги тадбир Республика Саломатлик ва тиббиёт институти ҳамкорлигида уюштирилди.

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашида уюштирилган маънавият соатида қасаба уюшма ҳаётида намунали иштирок этиб келаётган фаоллар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат муддатлари 2009 йилнинг декабрь ойида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида, яъни 2009 йилнинг 27 декабрь кунини ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни сайлов қонунчилиги, умумэтироф этилган халқаро нормалар ва стандартларга тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, сиёсий партиялар, фуқароларга давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 19-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуни

19-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси

- ҚАРОР ҚИЛАДИ:**
1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси 2009 йил 22 сентябрдан бошланиши эълон қилинсин.
 2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси ўртача 127,5 минг сайловчи ҳисобидан белгилансин.
 3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузилсин ва уларнинг чегаралари ҳамда сайловчилар сони кўрсатилган рўйхати 2009 йил 12 октябрга қадар эълон қилинсин.
 4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари 2009 йилнинг 18 октябрга қадар шакллантирилсин.
 5. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари: 2009 йилнинг 28 октябрга қадар сайлов участкаларини; 2009 йилнинг 17 ноябрга қадар участка сайлов комиссияларини тuzадилар.

(Давоми 2-бетда).

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

17 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Маълумки, шу йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат муддатлари тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида, яъни 2009 йилнинг 27 декабрь кунини ўтказилиши лозим.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси шу

йилнинг 22 сентябридан бошланиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари кўриб чиқилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловга тайёрларлик кўриш бўйича участка сайлов комиссиялари ишини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар томонидан имзо тўлаш ва имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганини текшириш тартиби тўғрисида»ги йўриқномалар, «Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби

тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқоти ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисида»ги низомлор, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампаниясини ёритиш учун маҳаллий ва хорижий журналистларни аккредитациядан ўтказиш тартиби» ва бошқа зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланди.

(Давоми 2-бетда).

